

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

539 Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2065-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ–1645-сон «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 487-модда) ва 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ–1675-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 52-сон, 561-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 7 январдаги 2, 2010-1, 39/4-сонли қарори (рўйхат рақами 2065, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 сентябрь,
92-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 сентябрь,
2013-42-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 сентябрь,
315-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банки Бошқарувининг
2013 йил 25 сентябрдаги 92, 2013-42,
315-В-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ
тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартишлар ва қўшимча**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) мувофиқ 2010 йил 1 январдан улгуржи савдо корхоналари учун ўтказилган операциялардан тушадиган тушум суммасининг 5 фоизи миқдоридан ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловларини тўлаш киритилди, ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

2. 12-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги «(руйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва

идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 1-сон)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 127-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банд «Таълим» деган сўздан кейин «ва тиббиёт» деган сўзлар билан тўлдирилсин.